



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2004 йил 14 апрель, чоршанба

№31 (11.626)

Эркин нархда сотилади

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга 13 апрель куни Оксарида Венгрия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкуллда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Ференц Контра ишонч ёрлиги топширилди.

Мамлакатимиз раҳбари дипломатни янги лавозимга тайинлангани муносабати билан кутлар экан, Ўзбекистон-Венгрия муносабатлари изчил ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди. Ушбу мамлакатнинг яқинда НАТОга қабул қилингани, май ойида Европа Иттифоқи сафидан жой олиши икки томонлама муносабатлар ривожига муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Президент Ислам Каримовнинг 2002 йил октябрдаги Венгрияга расмий ташрифи чоғида ушбу мамлакат раҳбарияти ва етакчи ишбилармонлари билан самарали мулоқотлар ўтказилган, кўлаб икки томонлама фойдали келишувларга эришилган эди. Айни пайтда Ўзбекистон ва Венгрия барча соҳаларда ҳамкорлиқни имкониятлар даражасига кўтариш йўлидан бормоқда.

Ф.Контра-самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, ўз фаолияти давомида Ўзбекистон-Венгрия савдо-иқтисодий муносабатларига алоҳида эътибор қаратиш ниятида эканлигини таъкидлади.

Шу куни Президент Ислам Каримов Канаданинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавкуллда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Кристофер Уэствелдан ишонч ёрлигини қабул қилиб олди. Ўзбекистон ва Канаданинг халқаро миқёсдаги кўпгина муаммоларга қарашлари

ўхшашлиги халқаро ташкилотлар доирасидаги ўзаро ҳамкорлиқни ривожлантиришга асос бўлмоқда. Айниқса, халқаро ва минтақавий хавфсизлиқни таъминлашдаги, оммавий қирғин қуролларининг тарқатилишига ва наркобизнесга қарши курашдаги ҳамкорлик долзарб масалалардандир.

Ўзбекистон ҳукумати Канада билан сиёсий, савдо-иқтисодий ва ижтимоий алоқалар миллий манфаатларимизга мос эканлиги ва бунинг учун улкан салоҳият мавжудлигини ҳисобга олиб, 1999 йилда мазкур мамлакат билан ҳамкорлиқни ривожлантириш дастурини қабул қилган.

Калгариди Ўзбекистон нефть-газ саноатининг тақдирини ўтказиш мўлжалланмоқда. Икки мамлакат олтин қазиб чиқариш, самолётсозлик, машинасозлик ва кўлаб бошқа соҳаларда ҳам самарали ҳамкорлик қилиши мумкин.

К.Уэствел Ўзбекистон ва Канада ўзаро ҳамкорлиқни ривожлантириш борасида кўп имкониятларга эга эканлигини таъкидлаб, бунинг учун олий даражада икки томонлама учрашув ўтказиш, халқаро ташкилотларнинг анжуманлари доирасида мулоқотларни фаоллаштириш мақсада мувофиқ, деб ҳисоблашини таъкидлади.

Президент Ислам Каримовга Руминиянинг мамлакатимиздаги Фавкуллда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Константин Алекс ҳам ишонч ёрлиги топширилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан яқинда НАТОга қабул қилинган Руминия ўртасидаги муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш учун икки томонда

ҳам имкониятлар кўпчилигини таъкидлади.

Мамлакатларимиз сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва ижтимоий соҳаларда ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ўзаро савдо алоқаларида барча ҳуқуқий асослар яратилган. Лекин кўрсаткичлар имконият даражасида эмас. Ўзбекистон-Руминия ҳукуматлари оқтисодий кенгаши ўзаро савдонинг ривожлантириш ва бошқа иқтисодий масалалар билан шуғулланмоқда.

Руминия элчиси қабул учун миннатдорлик билдириб, икки мамлакат ўртасидаги амалий ҳамкорлиқни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишини таъкидлади.

Мамлакатимиз раҳбари Чехия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкуллда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Алев Фойтиқдан ҳам ишонч ёрлигини қабул қилиб олди.

Президент Ислам Каримов Ўзбекистон ва Чехия бир-бири учун ишончли шерик эканлигини таъкидлади. Утган ойда НАТО сафидан жой олган Чехия яқинда Европа Иттифоқига ҳам қўшилиши ҳамкорлиқни ривожлантириш учун янги имкониятлар очди.

Савдо-иқтисодий соҳада икки мамлакат ўртасида имкон қадар кўпроқ қўлайлик яратиш тартиби жорий этилган. Айни вақтда иқтисодиёт, саноат ва фан-техника соҳаларида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро янги битим тасдиқланмоқда.

Чехия элчиси ўз фаолияти давомида ўзаро ҳамкорлиқни янада ривожлантиришга устувор масала сифатида ёндашишини таъкидлади.

(ЎЗА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Россияга ташрифи тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 2004 йил 15-16 апрель кунлари амалий ташриф билан Москвада бўлади.

Икки томонлама учрашувлар чоғида Ўзбекистон-Россия муносабатларининг бугунги аҳоли ва ривожланиш истиқболлари, томонларни қизиқтирувчи долзарб халқаро масалалар муҳокама этилиши режалаштирилган.

2004 йил – Меҳр ва мурувват йили

САХОВАТ МАНЗИЛЛАРИ

Меҳр ва мурувват йили муносабати билан «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими томонидан бир қатор хайрия ишлар амалга оширилмақда.

— Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида вилоятнинг энг чека қишлоқларида қатор тадбирлар ташкил этилаётган, — дейди жамғарманинг вилоят бўлими раиси Тўлқин Миромиллов. — Хусусан, куни кеча Окқўрғон, Бўка, Чиноз, Янгийўл, Бекобод, Паркент, Пскент, Бўстонлик, Юқоричирчиқ, Ўртачирчиқ,

Оҳангарон туманларидаги вакилларимиз олис қишлоқлардаги ижтимоий муҳофазага муҳтож кишиларга 2 миллион 864 минг сўмликдан зиёд кийим-кечак ва озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатишди. Вилоят шаҳар ва туманларининг олис ҳудудларида бу борадаги тадбирларимиз давом этмоқда.

Кенжабек ҚУЛИЕВ.


«ЁҚУББЕК» ҲИММАТИ

Жойларда «Меҳр ва мурувват йили» дастури доирасида кўлаб тадбирлар уюштириляпти.

Жумладан, Пскент туманидаги «Ёқуббек» хусусий корхонаси ҳомийлигида «Меҳр кўзда» мавзuida маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда 10 та ширкат хўжалигидан уруш ва меҳнат фахрий-

лари, ногиронлар, боқувчисини йўқотган ҳамда меҳрга муштоқ кишилардан 160 нафари иштирок этди, уларга корхона томонидан совғалар улашилди.

Ўз мухбиримиз.



ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИНГ ҚУДРАТЛИ ТАЯНЧИ

Бундан 60 йил муқаддам Бекободдаги Ўзбекистон металлургия комбинати мартен цехида илк ўзбек пўлати куйилган эди

Бундан олтинчи йил муқаддам республикамиз саноатида яна бир тармоқ — қора металлургияга асос солиниб, «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун

хизмат қила бошлаган эди. Шу куни унинг мартен цехида эритилган дастлабки тонна пўлат олинди. Бу мамлакатимиз, халқимиз учун жуда катта тарихий воқеа бўлган эди. (Давоми 2-бетда).

КУНЧИҚАР ЮРТ ТУҲФАСИ

Ўзбекистон давлат консерваториясига Япония ҳукуматининг хайрия гранти бўйича олинган чолгу асбоблари ва аудио ускуналар топширилди.


Айни вақтда ушбу санъат қосонасида Кунчиқар юртда ишлаб чиқарилган рақамли овоз ёзиш ускуна ва асбоблари билан жиҳозланган икки студия ишлаб турибди.

Қўймати 414 минг 200 АҚШ доллариға тенг мажбурий грант доирасида топширилган янги мусиқа жиҳозлари, хусусан, зарбли чолгу асбоблари ўзининг сифати ва замонавийлиги билан нафақат минтақамизда, балки Хамдустлик мамлакатларида ҳам ягонадир.

— Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама алоқалар, айниқса маданият соҳасидаги ҳамкорлик фаол ривожланиётган, — деди Япониянинг юртимиздаги Фавкуллда ва мухтор элчиси Акио Кавато. — Аянганвий ўзбек миллий чолгу асбоблари ўзининг бетакрорлиги билан ажралиб туради. Тақдим этилган чолгу асбоб-ускуналари ва техник жиҳозлар ёшларнинг замонавий мусиқа санъатини пухта ёғалашларида қўл келади.

Тадбирда янги чолгу асбоблари ва техник воситалар ёрдамида ўзбек ва жаҳон композициялари асарларидан намуналар ижро этилди.

Назозат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.



ЭРТАЛА ЭККАН ЭРТА ОЛАДИ

Бу йил вилоят хўжаликларидида чигит экишга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилади. Мавсумни қисқа муддатда ва сифатли яқунлаш мақсадида ерларни тайёрлаш ва чигит экишда ишлатиладиган мавжуд техникалар олдиндан яхши созланди. Шу билан бир вақтда хўжаликларини имкони борича янги техникалар билан таъминлашга ҳаракат қилинди. Олдиндан кўрилган ана шу чора-тадбирлар бугун ўз самарасини бермоқда.

Хозир хўжаликларда 900-950 та севалка юксак унум билан ишлатилмоқда. Уларнинг қуввати билан бир кунда 9500-10000 гектаргача майдонга уруғ қадалмоқда.

Чиноз, Янгийўл, Бекобод, Юқоричирчиқ туманлари пахтакорлари экиш суръати бўйича вилоятда пешқадамлик қилмоқдалар. Бу туманларда ҳозиргача 67-70 фоиз майдонга уруғ қадашга эришилди.

Шуниси диққатга сазоворки, бу йил барча техника ва мавжуд ишчи кучлари ишга оммавий сафарбар этилганлиги туфайли чигитни ўтган мавсумдаги нисбатан барвақт экиб

олиш имконияти яратилди. Масалан, ўтган йили шу кунгача 25 минг гектарга чигит экилган бўлса, ҳозир 60 минг гектардан ошди.

Чигит экишни вилоятда биринчилардан бўлиб бошлаган Бекобод туманидаги айрим хўжаликлар мавсуми яқунлаш арафасида турибдилар. Жумладан, 1300 гектар майдонда пахта етиштирадиган Улуғбек номи ширкат хўжалигида сўнгги гектарларга уруғ ташланмоқда.

— Ўтган йили экиш мавсумида ўзимиз йўл қўйган хато ва табиий қийинчиликлар сабабли юз берган аҳвол бизга жиддий сабоқ бўлди, —

дейди хўжалик бош ҳосилоти Абдумутал Халилов. — 282 гектар майдонга бузиб, қайта экишга тўғри келди. Бундан ташқари 300 гектарга плёнка остига экилган чигит унинг чикмади. Қайтадан қўлда экиб чиқишга мажбур бўлди. Натижада қарийб 45 фоиз майдондаги ҳосил кечки бўлиб қолди. Бу йил ана шу ҳолат такрорланмаслиги учун бор имкониятлардан тадбиркорлик билан фойдаланишга ҳаракат қилдик.

Дарҳақиқат, хўжалик далаларида бўлган киши уруғлик чигит сифатли тайёрланган майдонларга жадал суръатларда экилганига ишонч ҳосил қилади. Чигитни плёнка остига қадайдиган 13 та ҳамда очик майдонга экадиган 4 та севалка юксак унум билан ишлатилди. Мамад Али Акбаралиев, Бахтиёр Ашуров сингари тажрибали механизаторлар ҳам суръатга, ҳам сифатга эътибор берган ҳолда бир кунда 10-12 гек-

тар майдонга уруғ ташлаб, ҳамкасбларига ўрнат қўрсатдилар. Хўжаликда экиш билан бир вақтда гектарига 100 килограмм аммиак селитраси, 150 килограмм аммофос ўғити ва 1,2 килограмм СТОМП гербициди себилди.

15 мартда плёнка остига чигит экишни бошлаб юборган Лутфилла Хусанов, Илҳом Исомиддинов каби пудратчиларнинг далаларида чигит қийғос униб чиқди. Айни кунларда улар даласида гўза ниҳолларига биринчи ишлов бериш бошлаб юборилди.

Ўз мухбиримиз.

СУРАТЛАРДА: Улуғбек номи ширкат хўжалиги механизатори Аҳмадали Отавалиев чигит экишда ўрнат бўлди; хўжалик далаларида униб чиққан гўза ниҳоллари.

Даврон АХМАД олган суратлар.

Қишлоқ ва услоҳот

ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИДАГИ БУРИЛИШ

вилоят ширкат ва фермер хўжаликларидида ерни экишга тайёрлаш, гўзага ишлов бериш ва ҳосилни қисқа муддатда йиғиб-териб олишдаги муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш имконини бериши шубҳасиз

Гапнинг индаллосини айтганда, пахтачиликда бошқа тармоқлардан фарқи уларок техникасиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Кейинги йилларда вилоятимизда давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёси етиштириш режаларининг бажарилмай қолиш холлари юз бераётганида айнан техника таъминотидаги муаммолар ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Масалан 1994-2001 йиллар оралиғида, яъни қарийб етти йил давомида деярли янги техника сотиб олинмади десак муболаға бўлмайди.

Вилоят ҳокимлигида қишлоқ хўжалигини бугунги талабларга мос суръатларда ривожлантиришга бағишлаб ўтказилган қатор йиғилишларда ана шу вазият эътиборга олиниб, тармоқни техника воситалари билан таъминлаш масалалари ҳам аффилича муҳокама қилинди

ва аниқ чора-тадбирлар белгилаб, амалга оширишга киришилди.

Хусусан, Россиянинг Олтой ўлкасидан 100 та Т-4А русумли занжирли ҳайдов трактори, Тошкент трактор заводидадан эса 300 та ТТЗ-80 чопик тракторларини олиш режалаштирилди. Ушбу техникалар имкониятдан келиб чиққан ҳолда уч йўналишда, яъни вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, машина-трактор парклари вилоят бирлашмаси ҳамда республика «Ўқчишқоқхўжалиқмашлизинг» акциядорлик лизинг компанияси вилоят филиали орқали олинмоқда.

Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг янги техника ва технологияларни жорий этиш бўлимидан олинган маълумотларга қараганда, 7 апрелгача Тошкент трактор заводидадан 39 та ТТЗ-80 чопик трактори олиниб, ширкат ва фермер хўжаликларига етказиб берилди. Шуниси диққатга сазоворки, ушбу техникаларни олишга тижорат банклари қўмак берди. Тракторларни олган ширкат ва фермер

(Давоми 3-бетда).

«ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ» — СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ!

Эслатиб ўтамыз: Обуна давом этмоқда

Бизнинг индекс — 205.

Асосий Қонунимизни ўрганамиз

«III-модда. Мулкчиликнинг турли шакллари асосланган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасидаги, шунингдек, тадбиркорлар ўртасидаги, иқтисодий соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган хўжалик низоладини ҳал этиш Олий ҳўжалик суди ва хўжалик судлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади».

Хўжалик судлари тизими-га Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси Олий ҳўжалик суди, ви-

ликаси Олий ҳўжалик суди судьясининг маърузасини тинглайди ва у ишнинг моҳиятини, протест важларини келтиради. Шундан сўнг

нинг кўпчилиги ҳозир бўлган тақдирда ваколати ҳисобланади.

Олий ҳўжалик судининг Раёсати ишларни назорат тартибда кўради, суд амалиётини умумлаштириш натижаларини кўриб чиқади, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳўжалик судлари раисларининг ҳўжалик судлари ишларини ташкил этиш

ҳамда уларнинг мажлисларида раислик қилади;
— Пленум ва Раёсат муҳокамасига қонунга биноан уларнинг ваколатига тааллуқли бўлган масалаларни киритади;
— зарур ҳолларда бир ҳайъат таркибига кирувчи судьяларни бошқа ҳайъат таркибидан иш кўришга жалб этади;
— Ўзбекистон Республика-

— ўз ваколатлари доирасида буйруқлар ва фармойишлар чиқаради;
— фуқароларни, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг вакилларини шахсан қабул қилади ҳамда ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш ишини ташкил этади;
— қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раисининг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти бошқа шаҳарларда ҳам ҳўжалик судларини ташкил этиши мумкин. Мазкур ҳўжалик судлари ишларни ўз ваколатлари доирасида биринчи инстанция суди сифатида ва апелляция тартибда кўради, суд амалиётини умумлаштирилади, қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳарларининг ҳудудларида амалга оширади.

Ушбу ҳўжалик судлари раислари қуйидаги ваколатларга эга:

— суд фаолиятига раҳбарлик қилади;
— судлов ҳайъатлари мажлисларида раислик қилиши мумкин;

— зарур ҳолларда бир ҳайъат таркибига кирувчи судьяларни бошқа ҳайъат таркибидан иш кўришга жалб этади;

раис ўзининг вазифаларини ўртасида вақтларини тақсимлайди;

— судьялар ўртасида ишларни тақсимлайди;

— судьялар ва суднинг бошқа ходимлари малакасини ошириш ишини ташкил қилади;

— суд амалиётини умумлаштириш ва суд статистикасини юритиш ишини ташкил қилади;

— фуқароларни, муассасалар, ташкилотларнинг вакилларини шахсан қабул қилади ҳамда ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш ишини ташкил этади;

— қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ишларни амалга оширади.

Эргаш САЙТОВ, Ўзбекистон Адлия вазирлиги бошқарма бошлигининг ўринбосари,

2-даражали адлия маслаҳатчиси.

МИНЕРАЛ ЎҒИТ БИРЖА САВДОСИДА

Олмаликдаги "Аммофос" очiq акциядорлик жамияти истеъмолчиларга минерал ўғит етказиб бериш ҳажмини оширмоқда. Бу ерда март ойида йигирма минг тоннадан зиёд фосфорли ўғит тайёрланди. Бу февраль ойидаги қараганда икки баравар кўпдир.

— Тайёр маҳсулот республикамиздаги давлат буюртмаси бўйича маҳсулот етиштирувчи хўжаликларга пешма-пеш жўнатилмоқда, — дейди корхона бош муҳандиси ўринбосари Баҳодир Содиқов. — Йил бошидан буюн уларга 44 минг тоннага яқин фосфорли ўғит ет-

казиб берилди. Кимёгарлар минерал ўғитни биржа орқали сотишни йўлга қўйган. Март ойида Республика мол-хомашё биржасига 700 тонна аммофос савдога чиқарилди.

Неъмат ДУШАЕВ, ЎЗА мухбири.

ҚОМУСИМИЗ — БАХТИМИЗ

лоятлар ҳўжалик судлари ва Тошкент шаҳар ҳўжалик суди қиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди ҳўжалик судлов соҳасида суд ҳокимиятининг олий органидир. У томонидан қабул қилинган ақллар қатъий бўлиб, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бажарилиши мажбурийдир. Ушбу суд Қорақалпоғистон Республикаси ҳўжалик судининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳўжалик судларининг судлов фаолияти устидан назорат олиб бориш ҳуқуқига эга. У шунингдек, Пленумнинг раҳбарий тушунтиришлари ҳўжалик судлари томонидан бажарилишини назорат қилади, қуйи ҳўжалик судлари фаолиятини текширади, ҳўжалик судларининг ишини ташкил этишдаги ижобий тажрибани ўрганади, умумлаштирилади ва оммалаштирилади.

Олий ҳўжалик суди раис, унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари, судлов ҳайъатларининг раислари, судьялардан иборат.

Унда Пленум, Раёсат, Низоладини ҳал этиш бўйича судлов ҳайъати, Маъмурий-ҳўқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоладини ҳал этиш бўйича судлов ҳайъати амал қилади.

Назорат тартибда ишларни кўриш жараёнида Пленум Ўзбекистон Респуб-

Бош прокурорнинг ҳулосаси эшитилади, сўнг Пленум протест муҳокамасига ўтади. Муҳокамадан сўнг протест овозга қўйилади. Пленум аъзолари овоз беришда берадиган бўлишга ҳақли эмаслар. Агарда қарор бўйича ишни муҳокама қилишда иштирок этган судьяларнинг кўпчилиги унга овоз берган бўлса, қарор қабул қилинган ҳисобланади. Судья аввал ишнинг муҳокамасида иштирок этган бўлса, овоз беришда қатнашиш ҳуқуқига эга эмас.

Талаб этилган овозлар сонини ололмаган протест рад этилган ҳисобланади. Шундан кейин тартиб бўйича тугаш бошқа тақлифлар овозга қўйилади. Агар Пленум аъзоси қабул этилган қарорга нисбатан норози бўлса, у ўзининг фикрини ёзма равишда изоҳлаш ҳуқуқига эга ва Пленум мажлиси баённомасига ило-ва қилинади.

Пленумдан ташқари Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг судьяларидан Раёсат ташкил этилади ва унинг сони шу суднинг Пленуми томонидан белгиланади. Унинг таркиби-га Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раиси ва унинг ўринбосарлари лавозимлари бўйича қирадилар.

Раёсатнинг мажлиси ҳар ойда камида бир марта ўтказилади ва Раёсат аъзолари-

ҳақидаги маърузаларини тинглайди, ҳўжалик судлари Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг судлов ҳайъатлари ва аппарати ишини ташкил этиш масалаларини кўриб чиқади ва қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раиси: — Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди фаолиятига ташкилий раҳбарлик қилади;

— Ўзбекистон Республикаси ҳўжалик судларининг ҳал қилув қарорлари, акримлари ва қарорлари устидан протест келтиради;

— ишларни назорат тартибда текшириш учун талаб қилиб олади;

— Ўзбекистон Республикаси ҳўжалик судлари томонидан чиқарилган ҳал қилув қарорлари, акримлари ва қарорлар ижросини қонунда белгиланган тартибда тўхтатиб туради;

— раис ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

— судьялар ва суднинг бошқа ходимлари малакасини ошириш ишини ташкил қилади;

— раис ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

— фуқароларни, муассасалар, ташкилотларнинг вакилларини шахсан қабул қилади ҳамда ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш ишини ташкил этади;

— қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ишларни амалга оширади.

Эргаш САЙТОВ, Ўзбекистон Адлия вазирлиги бошқарма бошлигининг ўринбосари,

2-даражали адлия маслаҳатчиси.

ПЛЕНУМ БЎЛИБ ЎТДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилоят кенгашининг VIII пленуми бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман Кенгашиларига ўтказиладиган сайловлар муносабати билан партия ташкилотларининг вазифалари, Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят Кенгаши ижроа бюросининг 2003 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи, партиянинг халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгашидаги гуруҳининг 2003 йилдаги ишлари ҳақида ахборот, партия ташкилотларининг «Меҳр ва мурувват йили» дастурининг ижросини таъминлашда иштироки ва қатор бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Кун тартибидидаги масалалар юзасидан Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгашининг биринчи котиби Сирожиiddин Аъзамов маъруза қилди.

Маъруза ва музокараларда муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Пленум иштирокчилари мамлакатимизда яқинда содир этилган террорчилик ҳаракатларини яқдиллик билан қоралаб, Ўзбекистон раҳбариятининг ёвуз кучларга қарши йўлини, унинг юртимиз тинчлиги, халқимиз оқсоқиллигини таъминлашга қаратилган савий ҳаракатларини тўла-тўқис маъқуллади.

Пленумда ташкилий масалалар ҳам кўрилди. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши аппаратида масъул лавозимда ишлаб келаётган Маҳмуджон Тоиров Тошкент вилоят партия кенгаши иккинчи котиби этиб сайланди.

Пленумда Ўзбекистон ХДП МК биринчи котиби Аслиддин Рустамов сўзга чиқди.

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши матбуот хизмати.

Қишлоқ ва ислохот

ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИДАГИ БУРИЛИШ

вилоят ширкат ва фермер хўжаликларида ерни экишга тайёрлаш, гўзага ишлов бериш ва ҳосилни қисқа муддатда йиғиб-териб олишдаги муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш имконини бериши шубҳасиз

хўжаликлари эса банклар билан тузилган шартномага мувофиқ олган техникалари ҳақини уч йил давомида қайтардилар. Шу йўл билан битта ТТЗ-80 трактори хўжаликларга тахминан 15-16 миллион сўмга тушди.

Шундай қилиб, Бекобод туманига 9 та ва Бўя туманига 6 та фермер хўжаликлари, Қўйичирчиқ ва Янгийўл туманларига 3 тадан, Чиноз туманига 2 тадан ширкат ва фермер хўжаликлари ҳам мана шу қўлай усулда техника воситалари олиб берилди.

Вилоят машина-трактор парклари бирлашмаси эса айни кунларда Россиянинг Олтой ўлкасидан Т-4А занжирли тракторларни келтириш билан изчил шуғулланмоқда. Ҳозиргача режалаштирилган 100 та тракторнинг 48 таси олиб келиниб, туман МТПларига тарқатилди.

Яна бешта шундай трактор республика базалари орқали ширкат ва фермер хўжаликларига етказиб берилди. Таъкидлаш жоизки, Т-4А ҳайдов тракторларини тақсимлашда туманларнинг айнан шу техника воситасига нисбатан эҳтиёжи қатъий ҳисобга олинмоқда.

Маълумки, четдан техника харид қилишда кейинчалик уларни «эҳтиёт» қисмлар билан таъминлаш масаласини ҳам ҳисобга олиш зарур. Бу борада республика базалари билан алоқа яқин йўлга қўйилган. Йил давомида зарур миқдордаги эҳтиёт қисмлар ана шу базалардан олиб турилади. Айни пайтда берилган эҳтиёт қисмларни бевосита вилотнинг ўзи Россиядан тўғридан-тўғри буюртма қилиб олиб келиш масалалари ўрганилмоқда.

МТПларнинг асосий вазифаларидан бири терим мавсумида ширкат ва фермер хўжалиқларини пахта териш машиналари билан таъминлашдир. Бирлашма раиси-



Пскент туманидаги «Ўзбекистон мустақиллиги» ширкат хўжалиги тугатилиб, унинг негизда юридик мақомага эга бўлган фермер хўжаликлари ташкил этилди. Шу муносабат билан собиқ ширкат хўжалиги ҳудудига тузилган муқобил машина-трактор парки фермерларга хизмат кўрсатмоқда.

СУРАТДА: (чандан) фермерлар Абдусулт Нисонов ва Мирзаали Холжигитов МТП механизми Матмуса Маматисаев ва механизатор Тўхтабой Бойматов билан навбатдаги иш юзасидан маслаҳатлашмоқдалар.

Даврон АҲМАД олган сурат.

нинг биринчи ўринбосари Абдулла Жамураевнинг таъкидлашича, ҳозир вилоятда 206 та «Кейс-2022» терим комбайнлари мавжуд. Уларнинг қучи билан мавсумда 29 минг гектарга яқин еки ҳажми мўлжалланмоқда. Яъни машина терими учун ажратилган бешта майдонлар олдидан белгиланиб, гўзани машинада қилиб ўстириш чоралари қўрилди. Май ойининг биринчи ўн кунлигида «Кейс-2022» комбайнларини терим мавсумига сифатли тайёрлаш ва уларнинг имкониятларидан самарали фойдаланишга бағишлаб ўтказиладиган жараёндаги машина теримини билан боғлиқ барча ташкилий амалий чора-тадбирлар аниқ белгиланган.

Вилоят қишлоқ хўжалиги, ҳусусан, унинг пахтачилик тар-

моғини техника воситалари билан таъминлашга республика «Ўзбекистонхўжалик-машинизинг» акциядорлик лизинг компаниясининг вилоят филиали ҳам қатта ҳисса қўшмоқда. Масалан, 2004 йилнинг ўзида лизинг йўли билан 150 та ТТЗ-80 чопиқ трактори, 10 та МХМ-140 ҳайдов трактори, 100 та тиркама олиш режалаштирилган.

— Аслида қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун янги техникаларни бизнинг филиалимиз орқали етказиб бериш 2001 йилда бошланган эди, — дейди вилоят филиали директорининг ўринбосари Маҳмуджон Ҳайруллаев. — Бу йил эса техника таъминоти масаласига астойдил киришди.

Дарҳақиқат, филиал орқали режалаштирилган 150 та ТТЗ-80 тракторларининг

98 таси бугунги кунгача тўлиқ олиниб, асосан Окўўрғон, Чиноз, Қўйичирчиқ, Бўя, Пскент, Янгийўл туманларига етказиб берилди. Шунингдек, Ўртачирчиқ ва Бекобод туманлари 8 тадан, Қўйичирчиқ тумани эса 6 та трактор олди. Қишлоқ хўжалик техникаларини лизинг усулида харид қилишнинг афзал ва қўлайликлари ҳақида алоҳида тўхталмиш жоиз. Чунки, бу ширкат ва фермер хўжаликлари, ҳатто МТПлар учун ҳам жуда осон ва иқтисодий жиҳатдан фойдали йўлдир.

Лизинг компанияси вилоят филиали ҳар йили август-сентябрдан бошлаб лизинг олувчилардан янги техника учун буюртма қабул қила бошлади. Демак, ширкат ва фермер хўжаликлари кейинги йил учун буюртмани ана шу муддатдан кечикмай бериб қўйишса, қўлайлиқ дала мушлари бошлангич айтган техникаларини олишга бемалол улгурадилар ва экин-тикин ишларига ҳам вақтида киришиш имконига эга бўладилар.

Шундай қилиб вилоятда қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлашда янги босқич бошланди. Бу келгусида пахта, галла ва бошқа экинлардан юқори ва барқарор ҳосил олишда қатта имкониятлар очади.

Абдусамат ЙЎЛДОШЕВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг маҳсус мухбири.

ЎЗА.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Сизлари ҳафтанинг ҳар душанба, чоршанба, жума кунлари Республика кўчмас мулк биржаси ва унинг бўлимлари Давлат мулк кўмитасининг ваколатли агенти — «Давинком» давлат инвестиция фирмасининг Тошкент вилояти филиали иштирокида ўтказиладиган марказлаштирилган биржа савдоларига таклиф этади:

2004 йил 14 апрелдан бошлаб биржа савдоларига қуйидаги давлат кўчмас мулк объекти ҳам қўйилади:

1. Тошкент вилояти, Қўйичирчиқ туманида жойлашган, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ўрмон хўжалиги бош бошқармаси тизимидаги «Ўрмон таъминот» корхонаси.

Бошлангич баҳоси — 10.184.760 сўм. Имкониятинингизни бой берманг!

Кўшимча маълумотлар учун Давлат мулк кўмитасининг ваколатли агенти — «Давинком» давлат инвестиция фирмасининг Тошкент вилояти филиали ҳамда «Республика Co» shmas mulk birjasi Toshkent viloyati bo'limi» МЧЖга мурожаат қилишингиз мумкин.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳар, Мовароуннахр кўчаси, 19-уй, Тошкент вилоят ҳокимияти биносининг ўнг қаноти. Мурожаат учун телефонлар: РКМБ Тошкент вилояти бўлими: 133-28-52, 133-77-18, факс: 133-43-73; «Давинком» ДИФ-нинг Тошкент вилояти филиали: қабулхона 132-06-76 (128).

МАСЪУЛИЯТ МЕЗОНЛАРИ

Ўзбекистон — ҳуқуқий-демократик давлат, бу давлатда ҳар бир фаолият ва муносабат ҳуқуқ ва демократия тамойилларига мос бўлиши лозим. Шу маънода давлат ва диний ташкилотлар ўртасидаги муносабатлар ҳам ана шу меzonлар асосида қурилади.

Бу тамойиллар замон эҳтиёжи, мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий ва маънавий тараққиёти талабларига мос тушади. Бизда эътиқод эркинлиги Конституция орқали қафолатланган. Ҳоҳлаган одам хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч бир динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Турли диний конфессиялар ўз фаолиятларини эркин давом эттираётганлиги, диний бағри кенг равишда ҳаётимизга сингириб бораётгани қатта ютуғимиздир. Давлат диндан, дин эса давлатдан ажратилган, аммо дин жамиятдан ажратилган эмас. Диндорлар жамиятимизнинг тенг ҳуқуқли аъзолари. Шунга кўра, уларнинг ҳаётий ҳамда диний ибодатлари бажариш билан боғлиқ эҳтиёжларини қондириш масалалари жамиятнинг турли раҳбарлик ташкилотлари билан муносабатда қиришга олиб келади ва бунини мувофиқлаштириб туриш, диний ташкилотлар билан муомала қилиш раҳбар фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди.

Яъни дунёвий давлат шакли бошқа жамоат ҳаракатлари қаторида диний ташкилотлар билан ҳам жамият манфаатлари нуктаи назаридан муносабатда қиришга олиб келади. Бу муносабатлар, табиийки, ҳуқуқий асосларга биноан қурилади. Ўзбекистонда ҳам шундай. Айни пайтда давлат органлари ва диний ташкилотлар ўртасидаги муносабатларда бугунги вазият раҳбар ходимлар зиммасига қатта масъулият юклатмоқда. Турли даражадаги лавозимларда фаолият қўлаш, диний миссионерлик фаолиятига йўл қўймаслик, ўзаро баҳамжияҳатликда ишлаш ва яшаш учун шароит вужудга келтириш лозим. Бунда раҳбар масъулият ортади. Иккинчи тарафдан, диндорларнинг умумхалқ манфаатини қўлаб олиб борадиган маърифий-маънавий ишларини рағбатлантириб туриш ҳам лозим.

Ҳозирги шароитда давлат ва диний ташкилотлар ўртасидаги муносабатлар тақомиллашиб бормоқда. Бу шароитда раҳбар ходимлар хушёр бўлишлари, фуқаролар билан муносабатда қонунларга қатъий риоя қилишлари керак. Шундангина дунёвий давлат тараққиёти маънавий сиёсий жиҳатдан асосларга эга бўлади. Дин номидан иш қўраётган бадният кимсаларнинг фаолият олиб боришига йўл қўймаслик, уларнинг гаврали мақсадларини аҳолига таъминлаб беришнинг ҳонадонларда бу борада турли оғохлантириш ишларини олиб боришнинг асосий масъулияти ҳам раҳбарлар зиммасидир.

Бахтиёр СОЛИБОВЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академияси тинловчиси.

СПОРТ *СПОРТ* *СПОРТ* *СПОРТ*

ОЛИМПИАДАЧИЛАР МАКТАБИ

Чирчиқ олимпия захиралари спорт коллежининг икки талабаси – боксчи Рустам Саидов, дзюдочи Эгамназар Акбаров «Афина – 2004» олимпиада мусобақалари йўлнамасини қўлга киритган бўлса, яна бир вакили – дзюдочи Санжар Зокиров ушбу жаҳон мусобақалари йўлнамасига эга бўлиш арафасида турибди

Бу ерда республика ва вилоятимизнинг турли туманларидан келган 300 нафарга яқин ўғил-қиз таълим олаётди, — дейди илм маскани раҳбари Эркин Юсупов. — Коллежимизда мамлакат фахри бўлган Эгамназар Акбаров, Санжар Зокиров, Лазиз Йўлдошевларнинг устози, дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси катта мураббийи Сервер Мурадасилов, эшак эшиш бўйича Осиё ўйинлари ғолибаси ва кўплаб жаҳон мусобақалари совриндори Юлия Борзованинг устози Мухиддин Мейрбеков каби мураббийлар иш олиб боришмоқда. Собик тарбияланувчиларимиз, барча таниган боксчилар — Рустам Саидов, Бахит Сарсекбоев ҳам айни пайтда жаҳон рингларидagi зафарли олимларини давом эттиришяпти. Энг қувончлиси, Рустам Саидов, Эгамназар Акбаров Афинада ўтказилган ёзи олимпиада ўйинлари йўлнамасини қўлга киритишди. Сервер Мурадасиловнинг Осиё рейтингидан учинчи ўринда бораётган яна бир шогирди — Санжар Зокиров 15 майда Алматы шаҳрида ўтказилган халқаро дзюдо турнирига тайёрганмоқда. Ишонимизки, у ҳам навбатдаги олимпиада йўлнамасини қўлга киритади.

Ўқувчиларнинг энг севи-

ли маскани бўлган дзюдо машғулоти залида болалар мураббийнинг ўғитлари-га амал қилган ҳолда, машғулотлари давом эттиришмоқда. Ушбу манзараданок спорт қанчалик кўп куч, билим талаб этишини сезиш мумкин.

Дзюдога 1882 йилда Даигаро Кано томонидан Японияда асос солинган, — дейди дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси катта мураббийи Сервер Мурадасилов. — Ҳозир ҳам кунчиқар мамлакатда ҳар йили унинг хотирасига бағишлаб халқаро турнир ўтказилади. Унда шу пайтга қадар спортнинг бу тури ривожланган мамлакатлар — Япония, Жанубий Корея ва Эрон спортчилари мунтазам ғолиб чиқишган. Икки йилдан бери эса, ғолибликни Эгамназар Акбаров қўлга киритаёпти.

Коллежимиздаги дзюдо бўлимида 65 нафар ўқувчи бўлиб, машғулотлар самардорлигини ошириш мақсадида япониялик мутахассис Хорукун Шимояма ҳам иш олиб бормоқда. Республика биринчиликлари, тўқиз йилдан буён спорт устаси Учкун Муродов хотирасига бағишлаб ўтказилган халқаро ўсириллар турнири ҳам ёшларимиз тажриба ва малакаси ошишига омил бўлмоқда.

Спортнинг бу тури ёшларни билимли, чидамли, руҳан баркамол қилиб тарбиялайди. Шунинг учун бўлса керак, собиқ тарбияланувчиларимизнинг кўпчилиги бугунги кунда олий маълумот олишга эришган. Бундан ташқари, машҳур дзюдочи Абдулла Тангриевдан кейинги ўринни эгаллаб турган 20 ёшли Алибек Омонов, Наврўз Жўрақбоев, Шокир Мўминов каби ўнлаб шогирдларимиздан ҳам умидимиз катта. Хорижда бўлиб ўтаётган мусобақалар чоғида йигитларимиз интизомли, катталарга ҳурматли эканлиги алоҳида қайд этилади. Бу албатта, барчамиз учун фахрли.

Чирчиқ олимпия захиралари спорт коллежиди Ватанимиз довуғини дунёга таратишга қодир чемпионлар «ғулдаста»сини етиштириш бобида мураббийлар жамоаси томонидан ўрнатилган аризулик ишлар олиб борилаётганини кўриб қувондик. Ўз ишини севувчи шундай устозлар бор экан, Ўзбекистонимиз шафариини жаҳон спорт майдонларида муносиб ҳимоя қилувчи ўғил-қизлар сафи кенгайверишига шубҳа йўқ.

Воҳид БОЙМУРОДОВ,
«Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

СОҲИБҚИРОН СИЙМОСИ МУСАВВИРЛАР НИГОҲИДА

Ўзбекистон Бадий академияси Темурийлар тарихи давлат музейи билан ҳамкорликда ташкил этган кўргазма ана шундай аталди.

Ундан Малик Набиев, Акмал Икромжонов, Алишер Алиқов каби таниқли мусаввирларнинг соҳибқирон ҳаёти ва фаолиятига бағишланган асарлари жой олган.

Ў.А.



«БЕГОЙИМ» ҒОЛИБ

Кун кеча Бекобод шаҳридаги «Тадбиркор аёл» ўқув ишлаб чиқариш марказида «Балли, қизлар» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда шаҳардаги ўқув ишлаб чиқариш марказларида билим олаётган ўқувчилардан 4 жамоада иштирок этдилар.

Танлов шартларига кўра улар ўз жамоалари ва билим олаётган ўқув марказларини таништирдилар. Иккинчи шартда халқимизнинг миллий ўрф-одатлари ва унутлаётган анъана ва қадриятларини сахнада жонлантиришди. Билимларга асосланган беллашув эса учинчи шарт бўлди. Кейинги шартда иштирокчилар ўзлари танлаган санъат тури бўйича маҳоратларини намойиш этдилар. Сўнгги шарт, аниқсая, қизиқарли бўлди. Қизлар баҳорий таомлар тайёрлаш

борасидаги маҳоратларини кўз-кўз қилдилар. Танлов шартлари натижаларига кўра, бичиш-тиқишдан билим берувчи ўқув марказининг «Бегойим» жамоаси қизлари ғолибликни қўлга киритдилар. Ушбу жамоа аъзоси Дилдора Раупова эса, «Энг иқтидорли қиз» деб топилди.

СУРАТЛАРДА: кўрик-танловдан лавҳалар.

Даврон АХМАД олган суратлар.

Шундан кейин

НОСОЗ ЧАРХПАЛАК

Москвадаги Лианозов истирохат боғидаги «Сюрприз» аттракционни кулаши оқибатида 15 киши тан жароҳатлари олди. Манбаларнинг хабар қилишича, аттракцион чархпалакнинг техник носозлиги туфайли ерга ағдарилиб тушган. Жароҳатланганлардан 9 киши касалхонага жойлаштирилди, 6 кишига эса, шу эрининг ўзида тиббий ёрдам кўрсатилди.

ТЕРМИНАТОР КЎМАГИ




Собиқ актёр, ҳозир эса Калифорниянинг губернатори Арнольд Шварценеггер фильмлардаги ўз қаҳрамонларига хос фазилатини намойиш этиб, яна шов-шувга сабабчи бўлди. Гавайя ороларидида Мауи курортида дам олаётган экстерминатор Тинч океанда қўмалаётган бир пайтда оёғи тортишиб қолиб сал қолса чўкаётган бир кимсани қуруқликка олиб чиқди. Губернаторнинг бу жасорати Калифорнияда MTV қаҳрамонлари ҳақидаги қиссалардан кўра, кўпроқ эътиборни ўзига жалб этди.

ЯНА БИР САБАБ

WBO тоифаси бўйича жаҳон чемпиони ўнвон учун курашда америкалик Ламон Брюстерга техник нокаут билан мағлуб бўлган украинлик супер оғир вазни боксчи Владимир Кличко рингдаги учрашувдан сўнг дарҳол касалхонага ётқизилди. Бу ерда шифокорлар спортчини заҳарли тегишдан ўтказишди. Маълум бўлишича, Владимир Кличко қонидида қанд миқдори меъёридан тўрт баробар ортқ экан. Боксчи вакиллари тахлиллар натижаларини бирор-бир йўсинда шарҳлашдан бош тортдилар.

«INTEL»ДА ТИНТУВ



Компьютер чиплари ишлаб чиқарувчи йирик компаниялардан бири «Intel»нинг Япониядаги офисида қўнчиқар мамлакатнинг монополияга қарши кураш идораси (FTC) олиб бораётган тергов доирасида тинтув ўтказилди. Журналистларнинг таъкидлашича, ҳокимият «Intel»дан монополияга қарши кураш бўйича маҳаллий қонуларни бузганлигида шубҳаланмоқда. Хусусан, «Intel» ўз мижозларига AMD каби процессор ишлаб чиқарувчилар маҳсулотидан фойдаланишига имкон бермаётгани, деган таҳминлар мавжуд.



СУРАТДА: дзюдо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси спортчилари Осакада бўлиб ўтган жаҳон чемпионатидан сўнг устозлари Армен Багдасаров, Сервер Мурадасилов ва япониялик мураббий Хорукун Шимоямалар даврасида.

«МЕТАЛЛУРГ» МАҒЛУБИЯТГА УЧРАДИ

Футбол бўйича мамлакат ўн учинчи миллий чемпионати олий лига жамоалари навбатдаги 5-тур учрашувларини ўтказди. Вилоятимизнинг ягона вакили «Металлург» Тошкентда «Трактор» меҳмони бўлди.

Учрашувнинг биринчи бўлими тенг курашлар остида ўтди ва дарвозалар дахлсизлиги сақланиб қолди. Танаффусдан сўнг таърибали ҳужумчи Дилшод Ўрмонов «Металлург» дарвозасига тўп йўллаб, ҳисобни очди. 1:0 ҳисоби ўйин охиригача сақланиб қолди. «Трактор» бу галабадан сўнг жадалда бешинчи ўринга кўтарилиб олди.

Мамлакат чемпиони «Пахтакор» Жиззахда «Сўғдиёна» дарвозасига иккита жавобсиз тўп киритиб, 2:0 ҳисобида галабага эришди.

«Нефчи» эса, Самарқандда майдон эгалари билан баҳс юритди. Фарғоналикларнинг ягона тўпи ўйин тақдирини ҳал этди.


Қаршида «Насаф» «Сурхон» билан баҳс юритиб, йирик галабани қўлга киритди (4:0). «Қизилқум» эса ўз майдонида «Андижон»ни 4:1 ҳисобида мағлуб этди.

Бухорода майдон эгаларининг «Машвал» билан уч-

рашуви 2:2 ҳисобида дуранг натижа билан тугади. Наманганда ҳам «Навбахор» — «Локомотив» учрашуви 0:0 ҳисобида дуранг билан якунланди.

Чемпионатнинг навбатдаги 6-тури 16-17 апрель кунлари бўлиб ўтади. Вилоятимиз вакили «Металлург» ўз майдонида самарқандлик футболчиларни қабул қилади. Турнинг марказий учрашувлари «Пахтакор» — «Навбахор» ва «Нефчи» — «Насаф» жамоалари ўртасида бўлиб ўтади.

Талъат ЮСУПОВ.



2006 йил Германияда бўладиган жаҳон чемпионатида чиқиш учун саралаш учрашувларини ўтказиётган миллий терма жамоамизга номзод футболчилар 18 апрель кун и уч кунлик ўқув-машғулот йиғинига тўпланди.

ТЕРМА ЖАМОА ЙИҒИН ЎТКАЗАДИ

Терма жамоа мураббийлари ушбу йиғинга миллий чемпионатимизда тўп сураётган футболчиларни жалб қилмоқда. Футболчилар йиғин давомида Тошкентнинг «Трактор» жамоаси билан назорат учрашувида майдонга тушади.

Эътиборли томони шундаки, бу гал терма жамоанинг асосини ташкил қиладиган «Пахтакор» ва «Нефчи» футболчилари машғулотларда иштирок этмайдилар. Чунки 21 апрель кун Осиё чемпионлар лигаси доирасида «Пахтакор» Бахрайда «Ар-Рифа» жамоаси билан, «Нефчи» Кувайтда «Ал-Кувайт»га қарши ўйнайди.

Эслатиб ўтаёмиз, Ўзбекистон миллий терма жамоаси жаҳон чемпионати саралаш гуруҳида иккита учрашув ўтказиб, Тошкентда Ироқ билан 1:1 ҳисобида дуранг ўйнаган, сафарда Хитой Тайпейи футболчиларини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратган.

Ў.А.

Фельетон

— Ох, Умид-а, Умид, — ўзича гудраниб саннаганича сўрига чиқиб кетилган Асом гадаг қолди. — Асом гадаг бўш пиёлани Раим па-чқоқа узатди. — Қўшни-си Дилбархон ҳай-ҳайлаб чиқса, ўғри бола пичоқ кўрсатган экан, эси оғиб, ҳушидан кетиб қолибди бечора.

— Энди қамалиши аниқ Умиднинг, — деб қўйди қўшни даврада ўтирган Самад мўйлов.

— Қамалибди — Яна ўша Меҳрини-сонинг шўрини қуришти, куппа-кундуз кунни гиламини кўтариб чиқиб кетилди. — Асом гадаг бўш пиёлани Раим па-чқоқа узатди. — Қўшни-си Дилбархон ҳай-ҳайлаб чиқса, ўғри бола пичоқ кўрсатган экан, эси оғиб, ҳушидан кетиб қолибди бечора.

— Энди қамалиши аниқ Умиднинг, — деб қўйди қўшни даврада ўтирган Самад мўйлов.

— Қамалибди — Яна ўша Меҳрини-сонинг шўрини қуришти, куппа-кундуз кунни гиламини кўтариб чиқиб кетилди. — Асом гадаг бўш пиёлани Раим па-чқоқа узатди. — Қўшни-си Дилбархон ҳай-ҳайлаб чиқса, ўғри бола пичоқ кўрсатган экан, эси оғиб, ҳушидан кетиб қолибди бечора.

— Энди қамалиши аниқ Умиднинг, — деб қўйди қўшни даврада ўтирган Самад мўйлов.

— Қамалибди — Яна ўша Меҳрини-сонинг шўрини қуришти, куппа-кундуз кунни гиламини кўтариб чиқиб кетилди. — Асом гадаг бўш пиёлани Раим па-чқоқа узатди. — Қўшни-си Дилбархон ҳай-ҳайлаб чиқса, ўғри бола пичоқ кўрсатган экан, эси оғиб, ҳушидан кетиб қолибди бечора.

— Энди қамалиши аниқ Умиднинг, — деб қўйди қўшни даврада ўтирган Самад мўйлов.

— Қамалибди — Яна ўша Меҳрини-сонинг шўрини қуришти, куппа-кундуз кунни гиламини кўтариб чиқиб кетилди. — Асом гадаг бўш пиёлани Раим па-чқоқа узатди. — Қўшни-си Дилбархон ҳай-ҳайлаб чиқса, ўғри бола пичоқ кўрсатган экан, эси оғиб, ҳушидан кетиб қолибди бечора.

— Яна ўша Меҳрини-сонинг шўрини қуришти, куппа-кундуз кунни гиламини кўтариб чиқиб кетилди. — Асом гадаг бўш пиёлани Раим па-чқоқа узатди. — Қўшни-си Дилбархон ҳай-ҳайлаб чиқса, ўғри бола пичоқ кўрсатган экан, эси оғиб, ҳушидан кетиб қолибди бечора.

— Энди қамалиши аниқ Умиднинг, — деб қўйди қўшни даврада ўтирган Самад мўйлов.

— Қамалибди — Яна ўша Меҳрини-сонинг шўрини қуришти, куппа-кундуз кунни гиламини кўтариб чиқиб кетилди. — Асом гадаг бўш пиёлани Раим па-чқоқа узатди. — Қўшни-си Дилбархон ҳай-ҳайлаб чиқса, ўғри бола пичоқ кўрсатган экан, эси оғиб, ҳушидан кетиб қолибди бечора.

— Энди қамалиши аниқ Умиднинг, — деб қўйди қўшни даврада ўтирган Самад мўйлов.

— Қамалибди — Яна ўша Меҳрини-сонинг шўрини қуришти, куппа-кундуз кунни гиламини кўтариб чиқиб кетилди. — Асом гадаг бўш пиёлани Раим па-чқоқа узатди. — Қўшни-си Дилбархон ҳай-ҳайлаб чиқса, ўғри бола пичоқ кўрсатган экан, эси оғиб, ҳушидан кетиб қолибди бечора.

— Энди қамалиши аниқ Умиднинг, — деб қўйди қўшни даврада ўтирган Самад мўйлов.

— Қамалибди — Яна ўша Меҳрини-сонинг шўрини қуришти, куппа-кундуз кунни гиламини кўтариб чиқиб кетилди. — Асом гадаг бўш пиёлани Раим па-чқоқа узатди. — Қўшни-си Дилбархон ҳай-ҳайлаб чиқса, ўғри бола пичоқ кўрсатган экан, эси оғиб, ҳушидан кетиб қолибди бечора.

— Энди қамалиши аниқ Умиднинг, — деб қўйди қўшни даврада ўтирган Самад мўйлов.

— Қамалибди — Яна ўша Меҳрини-сонинг шўрини қуришти, куппа-кундуз кунни гиламини кўтариб чиқиб кетилди. — Асом гадаг бўш пиёлани Раим па-чқоқа узатди. — Қўшни-си Дилбархон ҳай-ҳайлаб чиқса, ўғри бола пичоқ кўрсатган экан, эси оғиб, ҳушидан кетиб қолибди бечора.

— Яна ўша Меҳрини-сонинг шўрини қуришти, куппа-кундуз кунни гиламини кўтариб чиқиб кетилди. — Асом гадаг бўш пиёлани Раим па-чқоқа узатди. — Қўшни-си Дилбархон ҳай-ҳайлаб чиқса, ўғри бола пичоқ кўрсатган экан, эси оғиб, ҳушидан кетиб қолибди бечора.

— Энди қамалиши аниқ Умиднинг, — деб қўйди қўшни даврада ўтирган Самад мўйлов.

— Қамалибди — Яна ўша Меҳрини-сонинг шўрини қуришти, куппа-кундуз кунни гиламини кўтариб чиқиб кетилди. — Асом гадаг бўш пиёлани Раим па-чқоқа узатди. — Қўшни-си Дилбархон ҳай-ҳайлаб чиқса, ўғри бола пичоқ кўрсатган экан, эси оғиб, ҳушидан кетиб қолибди бечора.

— Энди қамалиши аниқ Умиднинг, — деб қўйди қўшни даврада ўтирган Самад мўйлов.

— Қамалибди — Яна ўша Меҳрини-сонинг шўрини қуришти, куппа-кундуз кунни гиламини кўтариб чиқиб кетилди. — Асом гадаг бўш пиёлани Раим па-чқоқа узатди. — Қўшни-си Дилбархон ҳай-ҳайлаб чиқса, ўғри бола пичоқ кўрсатган экан, эси оғиб, ҳушидан кетиб қолибди бечора.

— Энди қамалиши аниқ Умиднинг, — деб қўйди қўшни даврада ўтирган Самад мўйлов.

— Қамалибди — Яна ўша Меҳрини-сонинг шўрини қуришти, куппа-кундуз кунни гиламини кўтариб чиқиб кетилди. — Асом гадаг бўш пиёлани Раим па-чқоқа узатди. — Қўшни-си Дилбархон ҳай-ҳайлаб чиқса, ўғри бола пичоқ кўрсатган экан, эси оғиб, ҳушидан кетиб қолибди бечора.

— Энди қамалиши аниқ Умиднинг, — деб қўйди қўшни даврада ўтирган Самад мўйлов.

— Қамалибди — Яна ўша Меҳрини-сонинг шўрини қуришти, куппа-кундуз кунни гиламини кўтариб чиқиб кетилди. — Асом гадаг бўш пиёлани Раим па-чқоқа узатди. — Қўшни-си Дилбархон ҳай-ҳайлаб чиқса, ўғри бола пичоқ кўрсатган экан, эси оғиб, ҳушидан кетиб қолибди бечора.

— Яна ўша Меҳрини-сонинг шўрини қуришти, куппа-кундуз кунни гиламини кўтариб чиқиб кетилди. — Асом гадаг бўш пиёлани Раим па-чқоқа узатди. — Қўшни-си Дилбархон ҳай-ҳайлаб чиқса, ўғри бола пичоқ кўрсатган экан, эси оғиб, ҳушидан кетиб қолибди бечора.

— Энди қамалиши аниқ Умиднинг, — деб қўйди қўшни даврада ўтирган Самад мўйлов.

— Қамалибди — Яна ўша Меҳрини-сонинг шўрини қуришти, куппа-кундуз кунни гиламини кўтариб чиқиб кетилди. — Асом гадаг бўш пиёлани Раим па-чқоқа узатди. — Қўшни-си Дилбархон ҳай-ҳайлаб чиқса, ўғри бола пичоқ кўрсатган экан, эси оғиб, ҳушидан кетиб қолибди бечора.

— Энди қамалиши аниқ Умиднинг, — деб қўйди қўшни даврада ўтирган Самад мўйлов.

— Қамалибди — Яна ўша Меҳрини-сонинг шўрини қуришти, куппа-кундуз кунни гиламини кўтариб чиқиб кетилди. — Асом гадаг бўш пиёлани Раим па-чқоқа узатди. — Қўшни-си Дилбархон ҳай-ҳайлаб чиқса, ўғри бола пичоқ кўрсатган экан, эси оғиб, ҳушидан кетиб қолибди бечора.

— Энди қамалиши аниқ Умиднинг, — деб қўйди қўшни даврада ўтирган Самад мўйлов.

— Қамалибди — Яна ўша Меҳрини-сонинг шўрини қуришти, куппа-кундуз кунни гиламини кўтариб чиқиб кетилди. — Асом гадаг бўш пиёлани Раим па-чқоқа узатди. — Қўшни-си Дилбархон ҳай-ҳайлаб чиқса, ўғри бола пичоқ кўрсатган экан, эси оғиб, ҳушидан кетиб қолибди бечора.

— Энди қамалиши аниқ Умиднинг, — деб қўйди қўшни даврада ўтирган Самад мўйлов.

— Қамалибди — Яна ўша Меҳрини-сонинг шўрини қуришти, куппа-кундуз кунни гиламини кўтариб чиқиб кетилди. — Асом гадаг бўш пиёлани Раим па-чқоқа узатди. — Қўшни-си Дилбархон ҳай-ҳайлаб чиқса, ўғри бола пичоқ кўрсатган экан, эси оғиб, ҳушидан кетиб қолибди бечора.

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатхиддин
МУХИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48
Эълонлар: 133-38-85, 136-53-54

Манзилими:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бoshқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирулардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.